*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 198 (8438). 17 октябрь, 1984 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.


## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР, ҲАШАРЧИ ЎРТОҚЛАР!

● ИЛИҚ-ИССИҚ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК. ● БАРЧА КУЧ ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК.

● *ДАЛАДА ИШЛАЁТГАНЛАРГА ҒАМХЎРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК.*

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### РАҲМАТ СИЗГА, РАҲМАТ АКА

◆ БЕКОБОД. Бригадирни ҳамкасблари қизғин табриклашди.

— Раҳмат, сизга, Раҳмат ака,—дейишди.

— Кўпчиликнинг хизмати бу, деди Раҳмат ака.—Механизаторларимиз, кўпмингкилограммчи теримчиларимизга офарин.

Бекобод районидаги Ойбек номли совхознинг Раҳмат Аҳмедов бошлиқ бригадаси деҳқонлари чиндан ҳам йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиб, яхши натижаларга эришдилар. 73 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан хирмон кўтарилди. Айни кунларда 37 центнерлик марра учун кураш бораётир. Механизаторлар йиғим-теримда ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар. Эсон Жўраев, Ғулом Холмуродов ўртоқлар шу кунгача 80— 90 тоннадан ортиқ пахта териб топширдилар.

### САККИЗ ТОННАДАН КАМ БЎЛМАЙДИ

**◆ ПИСКЕНТ. Кейинги беш кунлик якунига кўра кўпмингкилограммчи теримчилардан Севара Валиева, Рафоат Шарипова, Собира Шерматовалар бугун энг юқори кўрсаткичларга эришганликлари маълум бўлди. Тушликда дала шийпонида бўлиб ўтган йиғилишда уларнинг номлари алоҳида тилга олинди. Уларнинг ҳар бирининг шахсий хирмони 3—3,5 тоннага етган эди.**

**— Бундан кейин ҳам ғайратни бўшаштирмаймиз, — деб ваъда берди дугоналари номидан сўз олиб Севара Валиева. — Ҳар биримиз мавсум охиригача саккиз тоннадан пахта териб топширишга аҳд қилганмиз.**

**Бу чевар теримчилар Пискент районидаги Свердлов номли колхознинг К. Валихўжаев бошлиқ бригадасида меҳнат қилишади. Бригада бу йил янги ўзлаштирилган ерларда пахта етиштирди. Ҳосил мўл бўлди. Теримни барвақт бошлаб суръатни кучайтирдилар. Маррага эрта етиб келдилар. Ҳозиргача ҳосилдорлик 25 центнердан ортиб кетди. Далада ҳосил мўл. Ҳар гектаридан кам деганда яна ўн центнердан пахта топширишни мақсад қилиб қўйдилар.**

### ОЛДИНДА МЕХАНИЗАТОРЛАР

◆ ОҚҚЎРҒОН. Механизаторлар мусобақасида С. Сегизбоев номли совхоз механик-ҳайдовчилари олдинда бормоқдалар. Ўтган куни бу хўжалик далаларида 56 та терим машинаси ишлади ва булар ёрдамида 100 тоннага яқин пахта териб олинди.

Ботир Икромов, Абдунаби Маткаримов, Николай Адаменко каби механизаторлар энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 190— 200 тоннадан ошириб пахта терди. Кўчма устахоналар хизмати яхши йўлга қўйилганлиги, дала шийпонларида ўз вақтида иссиқ овқатлар ташкил этилиб, маданий, оммавий-сиёсий ишлар ҳам юксак савияда ўтказилаётганлиги туфайли машина теримида ана шундай салмоқли натижаларга эришилмоқда.

### ҒАЙРАТЛИ ЎҚУВЧИЛАР

**◆ ШУ РАЙОНДАГИ Ҳамза номли мактаб ўқувчилари бир неча кундирки, Куйбишев номли колхоз пахтакорларига кўмаклашмоқдалар. 300 кишилик коллективнинг хирмони тобора баракали бўлаётир. Шу кунгача улар терган пахта 300 тоннадан ортиб кетди. Зоҳида Абдухолиқова, Нуриддин Умаров, Ўткир Худойбоқов сингари ҳашарчилар кунлик ўсишда пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳисобида икки тоннадан пахта бор. Мактаб коллективи мавсум охиригача пахтакорларга ёрдамни кучайтириб, 700 тонна пахта териб топширишга аҳд қилган.**

### ҲАМ ҲАШАР, ҲАМ ХИЗМАТ

◆ ЯНГИЙЎЛ. Шу кунларда далада меҳнат қилаётганларга маиший хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйишда район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимларининг ҳиссаси катта бўлаётир. Комбинат ходимлари пахта теримида ҳам қатнашмоқдалар, 30 кишидан иборат отряд тузилган. Бу отряд аъзолари уйган хирмони 36 тоннага етди. Улар яна кам деганда ўн тонна пахта териб беришга аҳд қилганлар. Феруза Баҳриддинова, Машкура Тожибоева, Шоҳида Салоҳиддинова, Шоҳида Боймирзаева сингари ўртоқлар ҳар куни 50—60 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

## „ОҚ ОЛТИН" ВАТАНГА

**ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

**(Планга нисбатан процент ҳисобида)**

Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Коммунистик | 2,00 | 81,05 | 1,82 | 87,70 |
| Ғалаба | 1,94 | 79,56 | 1,22 | 74,40 |
| Бўка | 2,16 | 79,24 | 2,05 | 71,52 |
| Оққўрғон | 1,79 | 76,52 | 1,42 | 71,78 |
| Бекобод | 2,46 | 74,65 | 2,14 | 50,95 |
| Пискент | 2,09 | 74,10 | 2,09 | 59,43 |
| Чиноз | 2,02 | 73,31 | 2,30 | 46,15 |
| Ўрта Чирчиқ | 2,09 | 70,80 | 2,28 | 70,78 |
| Янгийўл | 2,00 | 70,38 | 1,25 | 42,02 |
| Область бўйича: | 2,08 | 75,69 | 1,85 | 64,91 |



**Комсомол қиз Маҳбуба Ўринова Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозда кунига 120—130 килограммдан пахта термоқда.**

**В. Портнов** фотоси.

## ИККИ ХУШХАБАР

### 95 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА

**● «БУ ЙИЛ ҳам ҳашарчиларсиз ишлаймиз, етиштирилган ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб оламиз!».**

**Бўка районидаги машъал «Октябрь 40 йиллиги» колхози меҳнаткашлари ана шундай ташаббус билан чиққан эдилар. Улар Коммунистик райони пахтакорлари ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, йиғим-теримни йўлга қўйишнинг аниқ тадбирларини белгилаб чиқдилар. Шу асосда ҳар бир бригадада ишлар қизитиб юборилди. Дефолиация ўз вақтида трактор аппаратлари ёрдамида сифатли ўтказилганлиги туфайли барча майдонларда ғўза барглари бир текис тўкилди. Машиналарга кенг иш фронти яратилди. Ремонт ишлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги учун «зангори кема»лар бетўхтов ишлаб турди. Кун сайин суръат кўтарилиб борди. Натижада колхоз давлатга пахта топшириш планини муддатидан илгари бажарди. 1028 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,5 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 3460 тонна пахта топширилди. Ана шу ҳосилнинг 95 проценти машиналарда терилди. Колхоз деҳқонлари ўз ваъдаларини шараф билан бажардилар. Гулали Мамедов, Саиджаббор Сулаймонов, Эргаш Бозорбоев, Наримон Камолов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектаридан 36—40 центнердан ҳосил олинди. Айни кунларда улар 50 центнерлик маррани кўзлаб иш олиб бормоқдалар. С. Иброҳимов, А. Сатторов, И. Аслонов, Р. Бесбоев сингари механик-ҳайдовчилар шу кунгача хирмонга 140—160 тоннадан пахта териб топширдилар.**

**Колхозда тухум, гўшт топшириш, шоли тайёрлаш планлари ҳам муддатидан илгари бажарилди.**

**Машъал колхоз деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 50 центнердан ҳосил олишга сўз бердилар.**

### 45 ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ

● ҒАЛАБА районидаги «Победа» колхози пахтакорлари ҳам дастлабки довондан ошдилар. Бу колхозда 553 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,3 центнердан, жаъми, давлатга 2003 тонна пахта топширилиб, план муддатидан илгари бажарилди. Ана шу ҳосилнинг 65 проценти биринчи сортларга топширилди. Машиналарда терилган пахтанинг салмоғи 90 процентга етди.

Бу меҳнат ғалабасига СССР Олий Советининг депутати В. К. Дюгай ҳамда Г. Ким, П. Ким ўртоқлар бошлиқ бригадалар, айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар бошлиқ коллективларда ҳар гектаридан 37—42 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Механик-ҳайдовчилардан Ким Владимир, Сергей Сон, Тян Руслан, Ўринбой Нишонов ўртоқлар теримда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Улар шу кунгача 160—180 тоннадан пахта тердилар.

Колхоз пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга планга қўшимча равишда яна кам деганда 500 тонна қимматбаҳо хомашё топшириш ва ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга қарор қилдилар.

## БУВАЙДА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Бувайда райони пахтакорлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 40570 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. 12 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнер пахта йиғиштириб олинди. Тайёрланган бутун ҳосил биринчи сортга қабул қилинди. Районнинг 11 хўжалигидан 9 таси ҳозирнинг ўзидаёқ оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Механизаторлар салкам 9 минг тонна ҳосилни машинада йиғиштириб олдилар.

Қўриқдаги «Қўштепа» совхози, «Партия XX съезди», Калинин номли, Киров номли, «Шарқ юлдузи», «Коммуна», «Правда» колхозлари ва Дзержинский номли совхоз меҳнаткашлари район пахтакорларининг меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Партия XX съезди» колхозининг Мамадали Усмонов бошчилик қилаётган бригадаси қўриқдаги 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнер пахта йиғиштириб олди. «Партия XX съезди» колхозининг Зоиджон Усмонов, «Ленинобод» колхозининг Иброҳимжон Ашуров, Киров номли колхознинг Ҳакимжон Тўрақулов, Калинин номли колхознинг Озодали Қўшоқов каби механик-ҳайдовчилари мавсумда 120—140 тонна пахта териб, алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

Район пахтакорлари ҳар бир гектар ер ҳосилдорлигини 45 центнерга, ялпи ҳосилни 54 минг тоннага етказиш тўғрисида оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Район меҳнаткашлари дон, гўшт, тухум, жун, сабзавот, мева ва пилла етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини бажардилар.

Район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча меҳнаткашлари етиштирилган бутун пахта ҳосилини ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини тезроқ йиғиштириб олиш, беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман беш йиллик юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга ўз куч-ғайратларини сарфламоқдалар.



**Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг «Дўстлик» бўлими механизаторлари машина теримини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Мусобақада Қуртамет, Бекер Исмоил Кругчи, Володя Лаврентьевлар намуна кўрсатиб ишламоқдалар.**

**Суратда: машина терими пайти.**

## САР ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг президенти Хафиз Асад КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан амалий дўстлик визити билан 15 октябрда Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

**(ТАСС).**



**Муборак Жабборова мавсумда 12 тонна пахта теришга сўз берган. У Оққўрғон районидаги «Озод» колхозида хирмонга кунига 140 килограммдан «оқ олтин» топширмоқда.**

**А. Абалян** фотолари.

## ТОШКЕНТ СТУДЕНТЛАРИ ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДА

## АРНАСОЙ ДАЛАЛАРИДА

ҚАРАНГ, бу гал бир хонага уч Гулнора тушиб қолишибди. Биринчи кун теримдан қайтишгач, уч дугона ўзаро маслаҳат қилишди.

— Келинглар қизлар, эртадан бошлаб уччаламиз битта звено бўлиб ишлаймиз, — деди Гулнора Ҳикматова. —Бошқа студентлар мавсумда 2 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилишибди. Биз эса 3,5 тоннадан пахта терамиз, деб қатъий ваъда берамиз...

— Яхши маслаҳат, — деди Гулнора Ўрозбоева. — Ахир бирлашган ўзар деган гап бор-ку.

— Қўлни беринглар, — ўрнидан турди Гулнора Умидова. — Гап битта...

Дугоналар шодон кулишди. Улар кулгисини эшитиб, қўшни хонадаги қизлар ҳам чиқишди. Гап нима устида бораётганини билишгач, София Комилова, Малика Носирова ҳам Гулноралар звеносига қўшилишга қарор қилишди. Бора-бора қизлар звеносининг аъзолари 10 кишига етди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультети қизлари бошлаб берган бу ташаббус тезда бутун институтга ёйилди. Бирин-кетин бошқа факультетларда ҳам зарбдор звенолар тузила бошланди. Звенолардан зарбдор отрядлар пайдо бўлди. Мана ҳозир 6 та йирик отряд Арнасой далаларида жавлон уриб меҳнат қилмоқда. Олдинда Гулноралар звеноси бораяпти. Бу қизларнинг ҳар бири шу кунгача 1,5 тоннадан ошириб пахта териб қўйди.

Тошкент халқ хўжалиги институти коллективи қарийб 10 йилдирки Жиззах областининг Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхозга оталиқ ёрдами кўрсатиб келяпти. Ҳозир институтнинг 3,5 минг кишилик ўқитувчи-студентлар коллективи чўл сийнасида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини тез ва соз йиғиштириб олишда актив иштирок этаяпти. Коллектив мавсум давомида 8 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйишга сўз берган. Шу кунгача терилган пахта 2 минг тоннадан ошиб кетди.

Институт пахта штаби теримнинг боришини ҳар куни таҳлил қилиб турибди. Илғорлар муносиб равишда рағбатлантирилмоқда, қолоқларни эса пешқадамлар сафига чиқариб олиш чоралари кўриляпти. Ҳозир план-иқтисод факультети студенти, Ленин стипендиати Марғуба Юсупова тенгқурлари ўртасида машҳур бўлиб кетган. У ўтган йили ҳам теримда актив иштирок этиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Бу йил ҳам Марғуба тонгдан тунгача пахтазор қўйнида жавлон ураяпти. Кунига 180—190 килограммдан «оқ олтин» териб бошқаларга намуна бўлмоқда.

Совет ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси Йўлдош Турсунов ҳам студентлардан иборат зарбдор звено тузиб олган. Звенонинг ҳар бир аъзоси ўрта ҳисобда 150—160 килограммга етказиб пахта тераяпти. Бошқа звенолар ҳам уларга эргашиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Факультет студентлари ҳар куни институт хирмонига 33—35 тонна «оқ олтин» тўкяпти.

— Ҳар бир факультет ўзи учун қатъий график тузиб олган, — дейди институт партия комитетининг секретари Маннон Алиев. — Графикларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳар куни кечқурун радио ва жанговар варақалар орқали студентларга маълум қилинади. Ҳозир институт бўйича ҳар бир студент ўрта ҳисобда 75—80 килограммдан пахта термоқда. Бу кўрсаткични яна ҳам ошириш чоралари кўриляпти. Кечқурунлари ўқитувчилар ётоқхоналарда теримчи студентлар билан суҳбатлар ўтказмоқда. Суҳбатлар давомида шу куннинг вазифалари улар онгига сингдирилмоқда. Илғорлар эса кўпчилик ўртасида қимматбаҳо совғалар, вимпеллар, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланмоқда.

Ҳозир студентлар билан бирга институт ўқитувчилари ҳам далаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳисоб-иқтисод факультети ўқитувчиларидан доцент Усмон Исоқов, Зиёвутдин Воҳидов, қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультети ўқитувчиларидан доцентлар Маҳмуджон Содиқов, Анвар Усмонов ва бошқалар ёшларга бош бўлиб, уларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминламоқдалар. Ҳозир ҳамманинг нияти битта — республика юбилейига муносиб тўёна ҳозирлашдир.

**Ж. НОСИРОВ.**

## ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Германия Демократик Республикаси делегацияси аъзоларининг 16 октябрь куни Ўзбекистоннинг ижодий союзларида бўлиб ўтган суҳбатларида маданият арбобларининг халқ олдидаги юксак бурчи тўғрисидаги, уларнинг тинчлик, дўстлик ва инсонпарварлик юксак идеалларини қарор топтиришга интилаётганликлари тўғрисидаги фикрлар асосий ўринни эгаллади. Суҳбатлар немислар диёрида биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати ташкил этилганлигининг 35 йиллигига бағишланиб Совет Иттифоқида ўтказилаётган ГДР маданияти кунлари программасига мувофиқ уюштирилди. ГДРдан келган адиблар, рассомлар, журналистлар ижодий режаларини ўртоқлашдилар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган ўзбекистонлик ҳамкасбларининг фаолияти билан қизиқиб танишдилар.

ГДРлик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, СССР халқлари дўстлиги музейида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор бошқа жойларини кўздан кечирдилар.

**(ЎзТАГ).**

# ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛАР

## ЁКИ ДАВЛАТГА ЎТА ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИНИНГ ҚЎШИМЧА ҚУРИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

### 1. ГУРУНЧАРИҚНИНГ ТАҚДИРИ КИМЛАР ҚЎЛИДА?

Яқинда марказий «Правда» газетасида катта мақола эълон қилинди. Унда одамлар истиқомат қилиб турган, яшашга яроқли иморатларни турли баҳоналар билан бузавермаслик, шахсий хўжаликлар тасарруфидаги уй-жой фондидан оқилона фойдаланиш хусусида гап кетади. Бу масалага нотўғри муносабатда бўлаётган айрим лавозимли шахслар қатори Херсон шаҳар ижрокоми раҳбарлари танқид қилинади. Уларнинг ғайри-қонуний равишда катта бир корхонани кенгайтириш планини рўкач қилиб, 150 шахсий хонадон ва уларга қарашли боғларни бузиб ташламоқчи бўлганликлари кескин қораланади.

Минг афсуски, бундай ҳоллар бизларда ҳам содир бўлиб турибди... Фактларни бирма-бир санаб ўтирмаймиз, узоққа бормаймиз ҳам. Объект аниқ. Лекин шу орқали айтиладиган гап анчагина. Фақат шунга мутасадди раҳбар ўртоқлар бизнинг муддаони англаб, тўғри мушоҳада қилсалар деган истагимиз бор.

* * *

**«Гурунчариқ барачний (барак дейилмоқчи) уйлардан иборат тўкилиб ётган маҳалла. Унинг тўқсон тўққиз процент аҳолиси бошқа жойга кўчиш учун рози».**

Ушбу сўзлар мақоламиз бош «қаҳрамони» — Тошкент чинни заводи директорининг комил-ишонч билан айтган гапи!

Аслида эса, манзара бошқачароқ: Гурунчариқ Тошкентнинг қадимий, довруғи кетган, ҳозирги пайтда қарийб, тўрт ярим минг киши истиқомат қилиб турган катта маҳаллаларидан . У боғ-роғлар маскани! Жамоатчилик асосида ташкил этилган катта мевазори бор. У ердан олинган ҳосил Улуғ Ватан уруши қатнашчилари хонадонларига бепул тарқатилади, шаҳар болалар уйларига энг арзон баҳода сотилиб, тушуми маҳалланинг маданий-оқартув ишларига сарфланади... Бу ерда яшовчилар йил бўйи мева-чева, сут-қатиқ, гўшт маҳсулоти билан ўзини-ўзи таъминлайди, ортиғини давлат ташкилотларига ўтказади ҳам. Маҳалланинг мана шу ибратли ишлари ҳатто Москвада Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ҳам намойиш этилган, республика миқёсидаги анжуманлардан бирида мақталиб, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилган, матбуот ва радиода маҳалла шаънига кўп илиқ гаплар айтилган.

Ҳозирги пайтга келиб, мана шу меҳнатсевар, ташаббускор кишилар маскани нотинч бўлиб қолди. Фактларни бутунлай чаппасига айлантириб кўрсатиш, яна кимларнингдир бепарволигидан фойдаланиб тузилган ғайри қонуний лойиҳа асосида маҳалла устидан чизиқ тортилди.

Мана икки йилдирки, шу ерда жойлашган чинни заводи маъмурияти билан район ижрокоми раҳбарлари бир ёқадан бош чиқариб, маҳаллани бадном қилиш йўлига ўтиб олдилар. Унинг деярли ҳамма жонкуяр активлари иғвогарга чиқарилди.

### 2. ИШБИЛАРМОН ДАЪВОГАР

**— Қўшниларингиз унчалик ёмон одамларга ўхшамайди! — деймиз ўртага сал илиқлик киритмоқчи бўлиб.**

**— Сиз журналистлар ўзи ваҳимароқ, воқеаларни олиб қочадиган бўласизлар. Шу маҳалладагиларнинг гапига ишониб ўтирибсизми? Улар ғирт ёлғончи... туҳматчи... одамлар-ку! — дейди директор сўзимизни бўлиб.**

Кўпчиликка нисбатан айтилаётган бу ҳақоратомуз сўзларни шарҳлаб ўтирмаймиз, у ўз эгасининг виждонига ҳавола!

Масаланинг амалий моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, «балки шундай катта корхонани тебратиб турган одам, қолаверса район раҳбарлари маҳалла манфаатидан ҳам устунроқ, узоқни кўзлаб режа олишаётгандир, улар ҳақдир» деб ўйлайдиганлар ҳам топилиб қолса керак.

Афсуски, шундай эмас.

Шикоят ўрнида ёзилиб, юзлаб кишилар имзо чеккан хат, кўпдан-кўп одамлар билан қилинган суҳбатлар, магнит плёнкаларига ёзиб олинган «интервьюлар» ва ниҳоят, умрида Гурунчариқни кўрмаган олис маҳкама кишилари томонидан чиқарилган «қарорлар» нусхаси бизнинг юқоридаги фикримизни исботлаб турибди.

Собир Раҳимов райони раҳбарлари Тошкент чинни заводи директорига «оддий мастерликдан етишиб чиққан, 20 йилдан буён бенуқсон ишлаб келаётган, берилган топшириқларни сидқидилдан бажарадиган жонкуяр кадр» деб таъриф беришади.

Кейинги беш-олти йил давомида директор А. Иброҳимовнинг анчагина манманликка берилиб кетганини ҳисобга олмаганда, бу гаплар тўғридир, балки... Айниқса, у киши сўнгги пайтларда девор-дармиён қўшнилари бўлган атрофдаги маҳалла аҳлини назар-писанд қилмай қўйди. Улар билан кенгашиб, бамаслаҳат иш тутиш ўрнига турли «режа»лар ўйлаб топди.

Бунга бир вақтлар «халққа чинни маҳсулотлари керак, кўпроқ ишлаб чиқаринг», дейилган икки оғизгина сўз сабаб бўлди. У мана шу айтилган сўзни дастак қилиб олиб, аввало министрлик, кейин бошқа идоралар эшигини қоқди. Маҳсулотнинг кўпайиши-ю, ундан келадиган миллион-миллион фойда ҳақида ҳайратомуз фактларни келтирди.

«Халқ манфаати, давлат фойдасини» ўйлаб қилинган илтимосга йўқ деб бўладими!.. Хуллас Гурунчариқнинг бир бўлагини олиш ҳақидаги «план» тасдиқланиб, боғлар, ўнлаб хонадонлар бузиб ташланди.

Тўғри, ҳовлиси бузилганларга уй берилди. Бироқ маҳалланинг бир томони ҳувиллаб ярим харобага айланди. Катта йўлга туташувчи кўчалар беркилиб қолди. Синган, ёрилган бетон плиталари борми, қўпорилган дов-дарахтлар борми, нимаики чиқинди бўлса, маҳалла томон улоқтирилаверди. Шундан кейин директор, ўртага баланд ғиштин девор тиклатиб, қўшниларга орқа ўгириб олди...

Орадан кўп ўтмай яна бир таваккалчилик қилинди: унга «буюртма» тушди. «Корхонангиз катта бир қурилиш объекти учун мураккаб технологик хусусиятга эга бўлган безакли плиталарни тайёрлаб бера оладими, йўқми?» — дея маслаҳат билан мурожаат қилишди. Директор ўйлаб-нетиб ўтирмай, бизга айтилдими, албатта бажарамиз деди.

Ваҳоланки заводнинг имкониятлари, ишлаб чиқариш қуввати бунга асло жавоб бермас, «оширилган» маҳсулотни печларда пишириш жараёнида улардан чиқадиган кўп миқдордаги заҳарли газларни ушлаб қолувчи махсус мосламалар ҳам йўқ эди. Оқибати яхшиликка олиб келмайдиган бу камчилик завод маъмуриятидан тортиб, оддий ишчигача маълум эди.

Бироқ, «буюртма»га шак келтириб бўлмади. Ҳеч қандай техник ва муҳофаза хавфсизлиги чоралари кўрилмагани ҳолда директорнинг кўрсатмаси билан «қўшимча» маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. Бунинг натижаси кўнгилсиз ҳолларга олиб келди...

Пухта ўйланмай қилинган таваккалчилик оқибати бўлган бу кўнгилсизлик ўша пайтларда кўпчиликнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган, бироқ расмий идораларнинг бирон тасдиғидан ўтмаган асоссиз турли талқинлар билан босди-босди қилинган эди.

Директор ҳаммани бир қалқитиб юборган мана шу нохушликдан тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча завод территориясини бир неча баробар кенгайтириш режасини туза бошлади: кўз-кўз қилиш мақсадида «экскурсиялар» уюштириб, завод билан маҳалла чегарасида ўзи бунёд этиб қўйган «манзара»ни намойиш қилди. Гурунчариқнинг «хароба» — «барачний» уйлари ҳақида ачинарли тушунчалар берди. Республика Енгил саноат министрлиги каби қатор юқори идораларга «бу ерда яшовчиларнинг ҳаммаси уйини ташлаб чиқиб кетишга рози», деган мазмунда чалғитма хатлар уюштирди.

Охир оқибат биронта ҳам «барак» (вақтинча яшаш учун ёғочдан қуриладиган қароргоҳ) уйи бўлмаган серфайз боғли ҳовлилар ўрни — Гурунчариққа завод «қонуний» даъвогар бўлиб чиқди.

### 3. ҚОНУНГА ХИЛОФ

— Биз бир ҳовлида беш оила истиқомат қиламиз. Завод маҳалланинг бир қисмини ўзига қўшиб олгандан кейин унга «қўшни» бўлиб қолганмиз, — дея ҳикоя қилишади беш ака-ука Ҳасановлар, — шу йил баҳорда боғимиз этагида бульдозер пайдо бўлди. Унинг ёнида директор бошлиқ завод раҳбарлари туришарди. Улар деворни бузиб, ҳовлининг бир қисмини оламиз, дейишди. Биз ҳовли қонуний ўзимизга қарашли эканлигини айтиб, райижроком томонидан тасдиқланган план ҳамда уй дафтарини кўрсатдик. Деворни бузиб, ҳовлининг бир қисмини олиш ҳақида биронта қарор ёки буйруқ борми, деб сўрагандик, директор ҳеч нарса деёлмай, бизларни «бемалол ишга кетаверинглар, ҳовлингизга ҳеч қандай зарар етказмаймиз!» деб тинчлантирган бўлди, бироқ кечга томон ишдан қайтиб, ўз ҳовлимизни таниёлмай қолдик. Девор қулатилиб, кичкина боғимиздаги оппоқ гулга бурканиб ётган барча мевали дарахтлар қўпорилган, яланглигимиз дарахтларнинг шоҳ-шаббалари билан тўсиб қўйилган эди. Ҳозир ҳовлимизнинг бир томони ҳувиллаб ётибди.

Ҳа, беш оға-ини Ҳасановларнинг куйиниб айтган гапларида жон бор. Райижрокомдагилар аҳолига нисбатан қилинган бу қўполликка чек қўйиш ўрнига, завод маъмурияти билан биргаликда Гурунчариқ аҳолисини кўчириш ҳақида ўзларича «тадбир» ишлаб чиқдилар. Бу «тадбир» бўйича Гурунчариққа уй дафтарини текшириш учун «комиссия» юборилди. «Комиссия» маҳалла комитетининг раиси ва активлари билан келишмай туриб, яширинча хонадонма-хонадон юриб «текширув» ўтказди. Қайтариб берамиз дея соддадил кишиларни алдаб, уларнинг ҳовли ҳужжатларини йиғиштириб олабошлади.

Айниқса, шу йилнинг май ойи бошларида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Низом ота Раҳимов ҳовлисида «текшириш» ўтказган олти кишилик «комиссия»нинг қилган ишлари одам ғазабини келтиради. Завод директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Леонид Давидович Гитис ҳовли эгасига ўзини «комиссия» бошлиғи, шунчаки, уй дафтарларини кўриб юрган одамлармиз» деб таништиради. Ҳовли ҳужжатларини олгач, папкасига солиб чиқиб кетмоқчи бўлади. Аммо кекса отахон уй дафтарини бермасликка ҳаракат қилади. Шунда «комиссия» аъзоларидан бири: «буларни сизга райижроком, яъни биз берганмиз, тортиб олиб қўйиш ҳам қўлимиздан келади» дейди-да, чолнинг қўлидаги ҳовли ҳужжатини юлиб олади.

Шу хил йўллар билан пенсионер Абдуқодир Набихўжаев, кекса педагог Абдусамад Хўжаев каби ўз уйидан бегона қилинганлар сони маҳаллада анчагина.

Наҳотки, шундай номаъқулчиликларга йўл очиб берган кимсалар Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси уй-жой кодексининг 6-боб, 138-моддасида йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган «Гражданларнинг шахсий мулкидаги уй-жойлар улардан тортиб олиниши мумкин эмас, уй эгаси эса, мазкур уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас» деган жумлалардан бехабар бўлсалар?!

Бу саволни ўртоқ Иброҳимовга бергандик, аввалига у киши «Бўлмаган гап! Ҳеч кимнинг уйи бузилмаган, «домовойи» тортиб олинмаган!» деб туриб олди.

Бирма-бир фактларни келтириб ранжитилган кишиларни номма-ном эслатганимиздан сўнг суҳбатдошимиз сал ҳовридан тушди. Ўзини оқлаш йўлига ўтди. **«Биласизми, биз давлатга миллион-миллион фойда берамиз. Фойдани кўпайтириш учун заводни кенгайтириш керак. Шунақа ишлар ҳам бўлиб туради. Одамлар тушунмаса нима қилайлик».**

Ана сизга «жонкуяр кадр»нинг «бенуқсон» иш услуби!

### 4. РАЙИЖРОКОМ КИМ ТОМОНДА?

Маҳалла аҳли ўзларига нисбатан қилинаётган бу ўзбошимчаликнинг заминига етиш учун райижроком раҳбарлари ҳузурига бир неча бор боришди. Аммо у ердагилар кўпчилик билан учрашиб, суҳбат ўтказиш, тушунтириш ўрнига маҳалла активларини чақириб «одамларингга ўзларинг тушунтиринглар, барибир ҳовлиларини бўшатишлари керак» дейишди.

Лекин маҳалланинг юзлаб хонадонидан биронта оила ўз уйини бўшатиб қўймади.

Шундан кейин ғазаби ошган ижроком раисининг (собиқ) ўринбосари Юсуф Ражабов келиб, маҳалла аҳли олдида ўзини ўта бадхулқ тутди. Буваси тенги қариялар сўзини қайириб ташлади. Ҳатто «ўғлим, наҳотки, шундай аҳил, ҳамманинг кўзи тушиб турган маҳалламиз тарқалиб, унинг боғлари кесилиб кетса!» дея гап бошлаган кекса бир онахонга ўшқириб «жиннилик қилманг, менга!» дейишгача бориб етди.

Кўпчиликка нисбатан бу хил ҳурматсизлик, оддий муомала меъёрини ҳам билмаслик район ижрокоми билан маҳалла аҳли ўртасидаги носоғлом маънавий-психологик вазиятнинг янада кучайиб кетишига сабаб бўлди... Сўнгра район ижрокоми раиси О. Асқаров одамлар билан учрашиш учун бир неча масъул ходимлар билан маҳаллага келди. Бироқ, йиғилганларга заводни одамлар яшаб турган ҳовли-жойлар ҳисобига кенгайтирилиши хусусида тузукроқ, юридик жиҳатдан асосланган тушунтириш беролмади. Фақат бир неча бор «барибир кўчишларингиз керак, давлатга ер керак, завод керак. Ҳовлиларинг ўрнига «дом» берамиз. Агар рози бўлмасаларинг, вақт ўтгандан кейин шунданам қуруқ қоласизлар» деб такрорлашдан нарига ўтмади.

Иш услубида зўравонлик, дабдабавозлик, калондимоғлик иллатлари бор раҳбарлар ҳақида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ғоят принципиал гаплар айтилган эди. Аммо Собир Раҳимов район ижрокомидаги ўртоқлар бундан ҳалигача тегишли хулосалар чиқариб олишмаган шекилли, ҳамон шаштлари баланд. Улар маҳалла активларига тазйиқ ўтказмоқдалар.

Завод томонидан ташкил этилган 50 кишилик «бузувчилар» бригадасига буйруқ берилса кифоя... Улар одамлар истиқомат қилиб турган шинамгина боғ, ҳовлиларни бузишда зўравонлик қилишдан ҳам тоймаяптилар.

Оддий ишчи Мақсуд Ҳусановнинг ҳовлисида 9 яшар қизчасидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. «Бригада» ўз бошлиқларининг буйруғи билан шу «вазият»дан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Ҳовлига кириб, уйни буза бошлашди. Ошхонадаги овқат билқиллаб қайнаб турган қозон девор остида қолди... Шу ҳодиса устига хонадон эгаси келиб, ўртада фожиавий аҳвол юз беришига сал қолди...

Балки, биз бу воқеани ўз кўзимиз билан кўрмаганимизда, ишонмаган бўлардик. Ўртоқ Иброҳимовдек «ваҳима қилишяпти», «олиб қочишяпти» деб қўя қолардик...

### 5. СОҒЛИҚ КЕРАКМИ, БОЙЛИК?!

Яна чинни заводини кенгайтирилиши масаласига қайтадиган бўлсак, «хўш одамлар кўчирилиб, уларга уй берилса, корхона кенгайтирилса, яхши эмасми?!» деб сўрарсиз!

Энди гап ана шу ишнинг яхши эмаслиги, балки унинг акси ҳақида. Дарвоқе, биз юқорида завод территориясининг кенгайтирилишини ғайри қонуний деб айтгандик. Буни Енгил саноат министрлигидаги ўртоқлардан тортиб чинни заводи директори ҳам, ҳатто маҳаллага тез-тез ташриф буюрувчи райижроком раҳбарлари ёнида савлат учун вақт ўтказаётган район масъул кишилари ҳам яхши билишади!

Яъни атрофга гир айлантириб кўп қаватли турар-жой комплекслари қурилаётган, шусиз ҳам аҳолининг зичлиги юқори даражада бўлган ерда заводнинг кенгайтирилиши мутлақо нотўғри. Бу масаланинг биринчи томони!

Иккинчи томонда эса республикамиз партия ва ҳукуматининг махсус кўрсатмаси турипти. Унда республикамиздаги қатор йирик шаҳарларда, хусусан, Тошкентда янги завод-фабрикалар қурилиши тақиқланади, ишлаб турганларига эса территориясини кенгайтирмаган, ишчи сонини кўпайтирмаган ҳолда реконструкция қилишга рухсат этилади, холос, дейилган.

Бу албатта одамлар соғлиги, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш мақсадида чиқарилган кўрсатма. Айниқса, Тошкент чинни заводига даҳлдор кўрсатма! Чунки бу завод борлиқни булғашда, табиат мутаносиблигини бузишда бошқа корхоналардан «устунроқ» туради. (Унга зўр беришнинг оқибати нималарга олиб келганлигини юқорида эслатиб ўтгандик).

Биз шуни алоҳида урғу билан суҳбатдошимиз — завод директорига айтгандик, у киши яна фойда ҳақида гапирди:

**— Биласизми: заводимиз давлатга миллионлаб даромад келтиради. Шу бойликдан ўша шикоятбозлар ҳам...**

— Сиз учун бойлик зарурми, эл соғлигими?

Директор ўйланиб қолди. Ниҳоят қўлини силтади:

**— Эҳ, шу жанжалларга аралашмай, тинчроқ юрай, дейман-у, Министрликдаги ўртоқлар қўйишмаса, нима қилай... Аҳолини чинни маҳсулотлари билан таъминлашимиз керак!**

Директорнинг сўнгги гаплари тўғри! Аҳолини чинни маҳсулотлари билан таъминлаш зарур! Бироқ, «фойда» йўлида нималардандир воз кечиб, нималарнидир қурбон қилиш йўли билан эмас!

Партия ва ҳукуматимиз томонидан аҳолининг чинни идишларга нисбатан талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб, қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, шарт-шароити ҳар жиҳатдан қулай, ишчи кучи етарли бўлган, хомашёга ҳам сероб Шаҳрисабзда чинни заводи қурилиши назарда тутилган эди. Енгил саноат министрлигидаги ўртоқлардан нега ўша объект қурилиши бошланмаяпти деб сўрасангиз «маблағ йўқ» деб жавоб беришади.

Албатта, унинг дўпписини бунга, бунинг дўпписини унга кийдириб юрадиган айрим кишиларнинг имо-ишораси билан Шаҳрисабз чинни заводи қурилишига ажратилган маблағ бошқалар ҳисобига ўтказилгандан кейин шундай баҳона топилади-да!

Министрликдагилар Тошкент чинни заводи территориясини бир эмас, бир неча бор кенгайтириш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб ётишибди. Бу шаҳар ҳавосини ифлосланиш коэффицентини ўшанча бор оширишга уриниш демакдир...

Қурилиш бошланмасдан бузилишнинг ўзи ўта қимматга тушадиган бу ишнинг ҳайбаракаллачилари атрофлича мушоҳида қилишлари учун вақт кеч эмас.

Яъни улар ҳали ҳам зарарли дуд чиқариб, атрофни булғаётган Тошкент чинни заводига замонавий бактериологик фильтрлар, заҳарли газларни тутиб қоладиган мосламалар ўрнатишни ўйласалар, ёинки, замон талабидан келиб чиқиб, ўзини оқламаётган эски режалардан воз кечсалар-да, корхонани шаҳар ташқарисига кўчиришни планлаштирсалар ёмон бўлмасди. Қачонгача завод ўзига керакли хомашёни бир неча километр ташқаридан машиналарда ташиб келтириб, ишлов бериш жараёнида бурқсаб кўтариладиган чанг-тўзонни, печлардан буғланиб отиладиган зарарли дудни Тошкент осмонига чиқаради?! Шаҳримиз ҳавоси йилдан йилга «оғирлашиб» бораётганлиги мутахассис олимларимиз томонидан очиқ-ойдин айтилмоқда, қайта-қайта огоҳлантирилмоқда.

Зеро, атроф-муҳит мусаффолиги — элнинг соғлиғи. Шундай экан, бу тўғрисида қайғуриш ҳар қандай дабдабали қурилишлардан ҳам зарур ва кечиктириб бўлмайдиган масала! Бу борада аввал ҳикоя қилиб ўтганимиздек, Собир Раҳимов райижрокоми раҳбарлари тутаётган йўл «рақиб»ларники қолиб, ўз дарвозасига тўп тепаётган нўноқ футболчининг хатти-ҳаракатини эслатади.

Давлатимиз томонидан чиқариб қўйилган табиатга, атроф-муҳитга зиён етказувчи омилларга қарши курашиш ҳақидаги қонун амалда экан, улар ўз районлари келажагини ўйлаб иш тутишлари лозим эди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Гурунчариқ бузилди, дейлик. Унинг одам ҳаваси келгудек шинам, обод (тўкилай деб турган эмас!) ҳовлиларининг ҳар бирида 3—4 тадан ва ундан ҳам зиёд оила истиқомат қилади. Уларни янги квартиралар билан таъминлаш, бузилган иморатлар, ҳар бир туп мева, дарахти учун ҳақ тўлаш керак бўлади-ку!

Одамларга келтириладиган маънавий-иқтисодий зарарни ҳисобга олмаганда маҳалла ўрнини текислаб қурилишга тайёрлаш каби ортиқча машмашаларнинг ўзи давлатимиз учун ўнларча миллион сўмга тушмоқда.

Хўш, энди район раҳбарлари чинни заводи ҳисобидан гурунчариқликларнинг ҳар бир хонадони учун жарақ-жарақ пул, қарийб икки минг квартира ваъда қилишаётган экан, мунча танти бўлишмаса!

Шунинг ўрнига ўша пулларнинг бир мисқолини маҳаллани ободонлаштириш, газлаштиришдек муҳим ишларга харжласалар, азалий оқава сув тармоқлари бўлган ариқларни тартибга солишда аҳолига ёрдам берсалар, шундоқ ҳам борган сари камайиб кетаётган, асрлар давомида халқимизнинг маданий-ахлоқий турмуш тарзидан ажралмас ўрин олиб, таълим-тарбия ўчоғи бўлиб хизмат қилган маҳалла гузарларини, мевазор боғларини сақлаб қолиш ҳақида қайғурсалар бўлмайдими! Қўлларидаги «ортиқча» уй-жой ордерларини эса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида таъкидланганидек, ўн йиллаб квартира ололмай навбатда турган кишиларга тарқатсалар хўп савобли иш бўларди-ку!

### 6. КЎПЧИЛИК ДИЛИДАГИ ЯНА БИР ГАП

Шу ўринда имкониятдан фойдаланиб, кўпчиликнинг тили учида турган бир гапни ҳам айтиб ўтмоқчимиз: шаҳар кўрки фақат осмонўпар иморатлар савлати-ю, кенг магистрал йўлларда, деб талқин қилувчилар бизнинг иқлим шароитимизни, минг йиллар давомида шаклланган маданий-маънавий удумларимизни ҳисобга олмасликка уринувчи кишилардир.

Уларга «Тошкентдек шаҳри азимга кўп қаватли кварталлар қатори ариқларида шовуллаб сув оқиб турувчи ям-яшил боғ кўчали маҳаллалар, гавжум чойхоналар ҳам чирой бера олади, ҳар қадамда саҳар мардондан то кечасигача ишловчи пивохона — қовоқхоналар, бир пиёла чойдан бўлак алкоголик ичимликнинг ўнлаб турини топишингиз мумкин бўлган кафелар қуриб ташлайвериш шарт эмас!» деб айтиб тушунтиролмайсиз. Асоссиз баҳоналар, «план»ни рўкач қиладилар-да, ўз билганларидан қолмайдилар.

Яқиндагина Тошкентнинг Чорсу мавзеи атрофидаги анъанавий боғ, ҳовлили маҳаллаларни қайта қуриб, эски қиёфасини сақлаб қолиш режалари мавжуд эди. Архитекторларимиз шу асосда пухта ўйлаб, ажойиб лойиҳалар яратишганди. Аммо, юқорида айтганимиздек, баъзи кимсалар бу хайрли ишга қўл силташди шекилли, қисқа муддат ичида ўша режа ўзгарди, қурилажак замонавий маҳаллалар ўрнини кўп қаватли уйлар қўзиқориндай босиб кетди. Ваҳоланки, шу баланд иморатларни бошқа, ҳали ҳам бўш ётган жойларда қурса бўларди-ку!

Олдимизда халқимизни кўпроқ уй-жой билан таъминлаб, унинг фаровонлигини янада ошириш каби биринчи навбатдаги зарур вазифалар турган бир пайтда ўта зарарли «аввал бузиш, кейин қуриш» принципидаги ақидаларга маълум даражада чек қўйиш пайти келмадимикан!

Дарвоқе, 1966 йилнинг эрта баҳорида Тошкентда бульдозерлар, ҳатто танклар ёрдамида уйлар бузилган. Бу ўзида қандайдир тантанаворлик кайфияти касб этиб, кино-фотоҳужжатларда тарих бўлиб сақланиб қолган. Чунки у пайтларда кучли зилзиладан қаттиқ шикастланган уйларни бузиб, ўрнига тезроқ янгисини тиклаш мақсадида шу ишлар амалга оширилаётганлиги ҳаммага аён эди, ҳеч ким «нимага бузаяпсан?» деб сўрамасди.

Мана энди 18 йилдан буён Тошкентда уй-жой бузилади. Ҳеч қандай нуқсонсиз тўппа-тузук маъмурий бинолар қулатилади, обод маҳаллалар кўчириб, четга чиқарилади, боғлар яксон қилинади. Ҳаммасига яна «план» баҳона!

Энди ушбу «олий» планнинг ўзини қайта бир кўриб чиқиш пайти келганга ўхшайди. Ана шундан кейин «Правда» газетасининг таъбири билан айтганда «Меҳнати синмаган — уй қадрини билмас» тоифасидаги ўртоқлар ўйлаброқ, мушоҳада билан иш юритишса ажаб эмас.

Дадахон НУРИЙ.

## ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Нурчилар шаҳри Нуробод кун сайин чирой очиб, кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан серқуёш республикамизга — қардошлик ёрдамини кўрсатишга келган қурувчилар, монтажчилар, созловчилар ва энергетиклар Янги Ангрен ГРЭСи қурилишини тезлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Куни-кеча бу ерда яна бир қувончли воқеа юз берди. 80 дан зиёд нурчилар оиласи ҳовли тўйларини нишонладилар. Қозон-турбина цехининг навбатчи слесари Ф. Бойниёзов, энергоблок машинисти А. Флягин, диспетчерлик ва технологик бошқарув системасининг мастери С. Иброҳимбеков, иссиқлик автоматикаси цехининг электрослесари В. Рашевский ва бошқа ўнлаб станция ишчиларининг қувончлари чексиз. Улар барча қулайликларга эга бўлган янги квартираларнинг калитларини олдилар.

Посёлкада кенг ҳажмдаги қурилиш ишлари давом этмоқда. 380 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси ҳам битай деб қолди. Ҳадемай, қурувчилар бу объектни ҳам ўз эгаларига топширадилар.

**В. ДВОРОВЕНКО,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг Янги Ангрен ГРЭСидаги мухбирлар пости аъзоси.**

## САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

### «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. Ҳасанов жавоб беради.

**САВОЛ: мен 1978 йилдан то 1982 йил октябрь ойигача колхозда, 1982 йил ноябрь ойидан эса заводда ишлай бошладим. Заводда менга янги меҳнат дафтарчаси очишди. Колхоздан берган меҳнат дафтарчаси заводда ҳисобга ўтмас экан. Колхозда ишлаган 4 йиллик меҳнат стажи янги меҳнат дафтарчасига ёзиладими ёки йўқми? Агар ёзиладиган бўлса ким томонидан ҳамда қандай ҳолларда ёзилади?**

**К. ШАРИПОВ,**
**«Қибрай» посёлкаси.**

**ЖАВОБ:** СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг 1974 йил 20 июндаги қарори билан тасдиқланган қўлланманинг 27-бандига асосан меҳнат дафтарчасига киритиш лозим бўлган ҳужжатларни вақти, сони, номларига асосланган ҳолда алоҳида сатрдан қуйидагилар ёзилади.

а) СССР Қуролли Кучлари составидаги хизмат вақти, СССР Министрлар Совети қошидаги давлат хавфсизлик органларида ва СССР ички ишлар министрлигига қарашли, меҳнат қонунлари ва социалистик давлат страхованиеси қўлланмайдиган ҳамма турдаги қўриқлаш вазифалари учун чақириш (рўйхатга олиш) вақти ва хизматдан бўшаш вақти;

б) Ҳунар-техника ва бошқа билим юртлари курсларида ва меҳнат квалификациясини ошириш мактабидаги ўқиш вақти;

в) олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (техникум, педагогика ва медицина билим юртлари ва ҳоказо). Партия мактаблари, касаба союз мактабларида ўқиган вақти ҳамда аспирантура ва клиник орденатурада бўлган вақтлари киритилади.

Меҳнат дафтарчасига колхозда ишлаган вақтини киритиш айрим ҳолларда амалга оширилади. Масалан, колхоз совхозга айлантирилса, сайланиш туфайли бошқа ишга ўтилса ва шунга ўхшаш қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда умумий стаж сифатида меҳнат дафтарчасига колхозда ишлаган вақтлари киритилади.

Завод маъмурияти сизнинг колхозда ишлаган вақтингизни меҳнат дафтарчасига киритмай қонунга мувофиқ тўғри қилган.

●

**САВОЛ: командировка пайтида касал бўлиб қолдим, командировка пули ва вақтинча ишга яроқсизлик нафақаси қандай тўланади?**

**М. ЭРМАНОВ,**
**Чирчиқ шаҳри.**

**ЖАВОБ:** 1980 йил 18 февралда қабул қилинган «СССР территориясида хизмат командировкаси» ҳақидаги кўрсатмага биноан командировкадаги ишчи ва хизматчилар вақтинча ишга яроқсиз бўлсалар, уларга умумий асосда суткалик харажат пули (иш ҳақига қўшимча), шунингдек хонани ижарага олиш шартномаси билан боғлиқ бўлган ҳаражат қопланади (стационарда даволаниш ҳолларидан ташқари). Бундай тўлов унинг то тузалиб кетиб, топширилган вазифани бажаришга киришгунича ёки доимий турар жойига қайтиб кетгунича, аммо бетоб бўлган кундан икки ойдан ошмаслик шарти билан амалга оширилади.

Командировкадаги кишининг бетоблиги туфайли топширилган вазифани бажаришга киришолмаслиги беморни даволаётган врач томонидан берилган ва даволаш профилакторийси бош врачи томонидан тасдиқланган касаллик варақаси билан исботланиши керак. Касаллик вақти учун командировкадаги киши доимий иш жойидан вақтинча ишга яроқсизлиги учун нафақа олади, шу сабабли унга иш ҳақи тўланмайди.

●

**САВОЛ: мен ўз аризамга биноан ишдан бўшамоқчиман. Бироқ бу ташкилотда ишлаб юрган пайтимда кредитга буюм олганман. Кредит муддати ҳали тугамаган. Ташкилот раҳбари мендан, кредитнинг қолган қийматини нақд тўлашни ёки кредит муддати тугагунча ишлаб беришни айтиб, мени ишдан бўшатмаяпти. Шу тўғрими?**

**А. КАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1979 йил 29 октябрдаги 730-сонли қарорига биноан маъмуриятга кредитга олинган буюм учун тегишли пулни кредиторга ўз вақтида ўтказиш мажбурияти юкланади. Агар ходим (кредит олган шахс) ишдан бўшаган бўлса, у ҳолда маъмурият кредитор номига ходимнинг ишдан бўшаган куни, ушлаб қолинган ва ҳали тўланиб бўлмаган қисмини кўрсатиб, бошлиқ ва бош бухгалтер имзоси билан хат йўллаши керак. Ходим ўз навбатида кредиторга ишдан бўшагани (турар жойи ўзгаргани) ҳақида дарҳол хабар қилиши шарт. Кредитга олинган буюм учун вақтинчалик қарзни тўлиқ тўламаганлиги сабабли ходимни ишдан бўшатмаслик қонунда кўрсатилмаган.

